

3/11соили ШАРТНОМА

Пудрат ишларини бажариш түгрисида

Пешку тумани

6 декабрь 2022 йил

Пешку туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи директори Ҳамроев Исомиддин Қовмиддинович бир томондан ва иккинчи томондан “Кўприк монтаж қурилиш ” МЧЖ (бундан буён “БАЖАРУВЧИ” деб аталади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи раҳбари А.Ортиқовлар иштирокида шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “БАЖАРУВЧИ” ўз зиммасига “БУЮРТМАЧИ” нинг талабига асосан ўз материалларидан фойдаланиб, 4Р-66 “Азизобод қ. Вобкент ш. Алиёр қ. Хўжапорсо қ. А-380 автойёли 38.2 км қисмидаги кўприкни капитал таъмирлаш “БУЮРТМАЧИ” эса ушбу бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва тўловни ушбу шартномага мувофиқ амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

- 2.1. Шартноманинг тузилган вақтидаги умумий нархи 299 900 000 (икки юз тўқсон тўққиз миллион туккиз юз минг) сўмии ташкил этади.
- 2.2. Шартноманинг баҳоси томонларнинг ҳар иккаласи томонидан маъқулланиб, инфляция оқибатларига кўра ўзгариши мумкин.
- 2.3. Бош пудратчининг ҳаражатлари (ген.услуга) субпудрат корхонаси томонидан бажариб топширилган ишлар далолатномаси (Ф-2) ва ҳисобварақ фактураси(Ф-3)даги жами суммасидан 0.2% (0.2 фоиз)ни ташкил қиласи.

3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов “Буюртмачи” томонидан “Бажарувчининг”нинг ҳисоб рақамига 30 фоиз миқдорида олдиндан тўловни шартнома имзолагандан кейин амалга оширилади.
- 3.2. Тўлов шакли Тўлов топириқномаси орқали амалга оширилади
(Тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, чек ва бошқа)
- 3.3. Шартнома бўйича охирги ҳисоб-китоб иш тўлиқ тамомланиб, субпудрат корхонаси томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома (Ф-2) ва ҳисобварақ фактураси(Ф-3) Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинган санадан кейин 3 ойлик муддатдан кечиктирмай “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

- 4.1. “Бажарувчи” ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни 31.12.2022 йилгача ўз муддатида бажариб бериши лозим.
- 4.2. “Буюртмачи” “Бажарувчи” томонидан ишга қўйидаги муддатда ҳақ тўлайди. Субпудрат корхонаси томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома (Ф-2) ва ҳисобварақ фактураси(Ф-3) Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинган санадан кейин 3 ойлик муддатдан кечиктирмай “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

1 “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари

- Шартнома доирасида бажарган ва “буюртмачи” томонидан қабул қилинган ишлар учун белгиланган тўловларни амалга оширилишини талаб қилиш;
- Бажариладиган ишларнинг сифатини ошириш, иш жараёнларни тезлаштириш мақсадида қўшимча техника ва ишчи кучини жалб қилиш;
- Шартнома бўйича айrim шартларни ўзгартиш ва қўшимча киритиш учун ўз таклифларни ёзма равишда тақдим этиш, объектнинг қабул қилиниши ва текширилишида иштирок этиш хукукларига эга.
- Ўз кучи ва воситаси билан календарь иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва 31.12.2022 йилгача ўз муддатида бажариши ва тегишли лойиҳа хужжатларидаги ҳолатда ишларни “Буюртмачи”га Ф-2 ва Ф-3 шаклларида топширади.
- Объектга лойиҳага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ва уларни саклашни амалга ошириши.
- Объектда ишларни бажаришда демонтаж қилишдан чиқсан материалларни “буюртмачи” ҳисобига топширади.
- Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат шартномалари тузгани тўғрисида “Буюртмачи”га ахборот бериш ва улар томонидан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш.
- Шартнома бўйича ўзига топширилган ишларни белгиланган муддат ва шартларда бажармаганлиги, лозим даражада бажармаганлиги оқибатида “буюртмачи” кўрадиган зарарни тўлиқ қоплаб беради;
- Ишларни бажаришда фойдаланадиган материаллар сифати бўйича тўлиқ жавобгар бўлади;
- Объектда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлайди.

2 “Буюртмачи”нинг хукуқ ва мажбуриятлари

- Шартнома доирасида “бажарувчи”га топшириладиган иш турлари бўйича унинг лойиҳа ишларининг бориши, ишлатиладиган материаллари тури ва сифати билан танишиш;
- Тузилган шартнома доирасида “бажарувчи”дан ўзининг мажбуриятларини келишилган тартиб ва муддатларда бажарилишини таъминлашни талаб қилиш;
- Шартнома тузишга эришиш учун “бажарувчи” томонидан сохта хужжатлардан фойдаланилганлиги аниқланганда, шартнома бўйича шартлар бажарилмагандан шартномани бир томонлама бекор қилиш ва тўловларни тўлашдан бош тортиш;
- “Бажарувчи” томонидан бажарилган ишлар лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келган муаммоларни бартараф этишни бажарилган ишлари бўйича тузилган далолатнома имзоланган кундан уч йилгача даврда талаб қилиш;
- Шунингдек, буюртмачи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган бошқа хукукларга эга бўлади.
- Календарь иш режасида белгиланган ҳажмда ва 31.12.2022 йилгача бўлган муддатда объектни пудратчига топшириши.
- Ушбу шартноманинг 1-бўлимида кўрсатилган ишларга, шартномада белгиланган микдорда ва муддатда “Бажарувчи”га топширган ишларига мос равишда ҳақ тўлаш.
- “Бажарувчи”дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб, икки ҳафта ичидан объектни қабул қилиш бўйича чораларни қўриши шарт.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Томонлар шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш муддатларини бузганлиги учун айбор томон иккинчи томонга кечикирилган ҳар бир кун учун шартнома баҳосининг 0,3 фоизи микдорида жарима тўлади.
- 6.2. Томонларнинг бири ушбу шартнома бўйича бошқа мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда айбор томон томонга бой берилган фойдани қўшиб кўрган зарарини қоплади.
- 6.3. Жарима тўлаш томонларнинг мажбуриятларини бажариш ёки бузилган хукукни бартараф этишдан озод этмайди.
- 6.4. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда бу томон бошқа томонга етказилган зарарни тўлади. Агар қонун хужжатларида ёки шартнома бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг 1-ноябрь 1998-йилдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг хуқукий шартномавий базаси тўғрисида”ги қонуннинг 25-32 моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 7.1. Томонлар ўртасидаги ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.
- 7.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, қонун хужжатларида белгиланган тартибда низолар “буюртмачи” жойлашган иқтисодий судида кўриб чиқилади.

8. ФОРС МАЖОР

- 8.1. Томонларнинг бирортаси ҳам бошқа томоннинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини томонларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ҳолатлар (ер қимиirlаши, сув босиши, ёнгин ва бошқа табиий офатлар) билан боғлик ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдидар.
- 8.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси хукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган унинг етарли даражадаги тасдиги бўлиб ҳисобланади.
- 8.3. Ўз мажбуриятини бажармаган томон шартнома бўйича мажбуриятини бажаришга унинг таъсис қўрсатиши ёки моънелик қилиш тўғрисидаги бошқа томонга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.
- 8.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар уч ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаган бўлса, бир томон иккинчи томонга хабар юбориш йўли билан хабар йўлланганидан сўнг 5 кун муддатда шартнома бекор қилиниши мумкин.

9. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

- 9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгаришлар ёзма равиша расмийлаштириб, ҳар икала томон имзолагандан кейин ҳақиқий кучга эга бўлади.
- 9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фукаролик кодекси ва қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.
- 9.3. “Буюртмачи” қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
“Бажарувчи”нинг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда:

"Бажарувчи"нинг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларниң сифати пасайганда.

9.4. "Бажарувчи" қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- "Буюртмачи" томонидан "Бажарувчи"га боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларини боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда:

- "Буюртмачи" томонидан лойиҳа ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиши билан боғлиқ ҳолда ишларниң баҳоси 50 (эллик) фоизидан кўпга камайганда:

"Буюртмачи" томонидан кейинчалик қуришни молиялаш имконияти йўқотилганда.

9.5. "Буюртмачи" ва "Бажарувчи"нинг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, "Буюртмачи"га тугатилмаган қурилиш топширилади. "Буюртмачи" "Бажарувчи"га улар томонидан аниқланган ишларниң ҳажми қийматини тўлайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор килган томон бошқа томонга ёзма равишда хабарнома юборади.

10. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

10.1. Мазкур шартнома 2022 йил « 1 » декабрдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

11. БОШҚА ШАРТЛАР

11.1. Объектлар ва унга кирувчи инженерлик тизимлари, жиҳозлар, материаллар ҳамда ишчиларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати унинг учинчи шахслар томонидан кўзланган ниятда шикаст етказган ҳоллари бундан истисно қилинади, объектларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани томонлар имзолаган вақтдан бошлаб _____(_____) ой давомида белгиланади.

11.2. Объектни ёпишга кафолатланган муддат 31.12.2022 йилгача.

11.3. Агар объекти кафолатланган фойдаланиш давомида унинг меъёрида фойдаланишга йўл бермайдиган камчиликлари аниқланса, кафолат муддати улар бартараф қилгунга қадар бўлган вақтгача узайтирилади.

11.4. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф қилиш муддатлари "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" нинг икки томонлами даолатномасида акс эттирилади.

11.5. Агар "Бажарувчи" аниқланган даолатномасида кўрсатилган муддат ичida бажарилган ишларниң, бунга жиҳозларини ҳам қўшиб, камчиликларни бартараф қилмаса, уларни "Буюртмачи" бошқа бошқарувчининг кучи билан ҳаражатларни "Бажарувчи" тўлаши оркали бартараф қилишга ҳақли.

11.6. "Бажарувчи" қурилиш объектини лойиҳа ҳужжатларини ёки унинг айrim қисмларини "Буюртмачи"нинг ёзма рухсатисиз бирорта учинчи шахсларга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эмас.

11.7. "Бажарувчи"нинг айби билан объекти қуриш натижасида учинчи шахсларга етказилган зарар "Бажарувчи" ўзи томонидан, "Буюртмачи"нинг айби билан бўлса "Буюртмачи" томонидан товон тўланади.

11.8. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

11.9. Томонларнинг хоҳишлири бўйича бошқа шартлар:


12. ТОМОНЛАРНИНГ ЎРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

«Буюртмачи»
Пешкү ТЙФУК

Манзил: Пешкў т. Зандани кўчаси 1
Тел 35-33-366
Ш.х/р 470010860062407045193118001
Бюджетдан маблаг олувчи СТИР 200882228
ОКОНХ 61129
Газначилик булинимаси номи:
Бухоро Вилоят Газначилик бошкармаси
Газна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банк
ХККА МФО 00014
Газначилик булинимаси СТИР 201122919

"Бажарувчи"
Кўприк монтаж қурилиш МЧЖ

х/р 20208000304826418001
СТИР 301465662
ОКОНХ 61110
Банкнинг номи: Қишлоқ қурилиш бан Когон
ш филиали
ХККА МФО 01037

Директор:  И. Хамроев

Хукуқшунос:  А. Ортиков



А.Ортиков